

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 29 сентябрь, № 192 (6627) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудида бошланган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, иқтисодий салоҳият сезиларли даражада юксалди, аҳоли фаровонлиги ортди. Бу ютуқлар мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 28 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган Тахиатош иссиқлик электр станциясида бўлиб, бу ерда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 18 июндаги «Тахиатош ИЭСда 230 — 280 МВт қувватдаги иккита буғ-газ қурилмалари қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Умумий қуввати 730 МВт бўлган 5 энергия блокидан иборат ушбу иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Иссиқлик электр станциясида йилига 3,2 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва бунда 1,15 миллиард куб метр табиий газ ёқилади.

Янги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат катта ҳажмдаги қимматбаҳо хом ашёни тежаш, балки талаб тобора ортиб бораётган электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини ҳам беради. Хусусан, иссиқлик электр станцияси қувватини 230 — 280 МВтга ошириш ҳисобидан табиий газ истеъмолини 488 миллион куб метрга камайтириш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилгач, Тахиатош иссиқлик электр станциясининг умумий қуввати 930 МВтга етади, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми эса 3,3 миллиард кВт/соатдан ошади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрининг бош режаси билан танишди. Суҳбат чоғида замонавий кўп қаватли тураржой бинолари, дам олиш масканлари, сунъий кўллар ва сув ҳавзалари барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қулай ва муносиб шароитлар яратиш кўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари давомида пахта далаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди, Кегейли тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди. Учрашувда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида ушбу ҳудудда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Йиғилишда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, қисқа муддатда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва кузги экинларни экиш, ижтимоий объектлар ҳамда уй-жойларнинг куз/қиш мавсумига тайёрлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Замонавий, шинам уй-жойлар қуриш, коммунал хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюрди.

Урганч шаҳрида яқин йилларда қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли уйлар лойиҳаси кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилган якка тартибдаги замонавий, шинам уй-жойлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев Қўшкўпир туманида қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди. Фермерлар билан суҳбатда ер унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган навларини экиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экспорт кўрсаткичларини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг куз/қиш мавсумига тайёрлиги, ҳудудда саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

## ТЕНГ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР

“Ўзэкспомарказ” мажмуида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда технологияларининг “FoodWeek Uzbekistan — 2016” ва “AgriTek Uzbekistan — 2016” халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари очилди.

*Республикамизда иқтисодиётни барқарор тараққий эттириш, саноат тармоқларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, барча соҳа, хусусан, қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати жадал суръатларда ривожланаяпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати эса 13,9 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.*

**ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА**





Натижада ички бозор юқори сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирилиши баробарида, муайян даражада экспортга ҳам йўналтирилаётир.

Дарҳақиқат, юртимизда кўп миқдорда боғ ва дала неъматлари етиштирилиши билан бирга, уни чуқур қайта ишлаш ҳажми ҳам муттасил равишда ортмоқда. Бунда жойларда замонавий корхоналар ташкил этилаётгани айни муддао бўлаяпти. Масалан, шу йилнинг олти ойида 69 турдаги янги қандолат, консерваланган мева-сабзавот ҳамда сут-гўшт маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

## Энг замонавий тиббий технологиялар

пойтахтимизда иш бошлаган “UzMedExpo — 2016” тўққизинчи халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмасида намойиш этилмоқда

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, Хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари уюшмаси томонидан “IEG Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси кўмагида “Ўзэкспомарказ” мажмуида ташкил қилинди.

Унинг очилишида қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли тиббиёт муассасалари энг илғор ускуналар билан жиҳозланаяпти. Натижада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада ошди. Биринчи Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаётгани натижасида тиббиётнинг замонавий ютуқлари ҳамда даволашнинг илғор усуллари амалиётга кенг жорий қилинаётир.

Анжуманда янги русумдаги технологиялар, дори-дармон, ультратовуш, рентген аппаратлари, физиотерапевтик ва кардиологик жиҳозлар, стоматология асбоб-ускуналари, санитария-гигиена ҳамда реабилитация воситалари, тренажёрлар, тиббиёт кийимлари, ортопедик маҳсулотлар, мебеллар, дорихоналар учун ускуналар тақдим этилмоқда.

— Ушбу тадбирда мунтазам қатнашамиз, — дейди масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Intermed Innovation” қўшма корхонаси менежери Умид Мамутов. — Биз таклиф қилаётган лаборатория ва рентген қурилмалари, ультратовушли сканерлар кўпчиликда қизиқиш уйғотаяпти. Ўйлайманки, уч кун давомида маҳсулот савдоси бўйича қатор шартномалар имзолашга эришамиз.

(Давоми 4-бетда).

*2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтади.*

## НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 19 августдаги қарорига мувофиқ ушбу нуфузли тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Сессияда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин вакил иштирок этиши кутилмоқда.

Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Работ шаҳрида бўлиб ўтган ислом давлатлари саммитида ташкил этилган. Ислом давлатларининг ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратиш, турли халқлар ўртасида тинчлик ҳамда тотувлик қарор топишига кўмаклашиш унинг асосий мақсади этиб белгиланган.

2011 йил 28 июнда тузилма номи Ислом ҳамкорлик ташкилоти, деб ўзгартирилган. Бугунги кунда ташкилотга 57 мамлакат аъзо бўлиб кирган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котибияти Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бош котиб 5 йил муддатга сайланади. Амалдаги Бош котибИяд Амин Маданий 2014 йил 1 январдан буён ташкилотга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланади. Ташкилот доирасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади.

Ташкилотнинг олий органи — Ислом саммити уч йилда бир марта ўтказилади. Ундан кейинги муҳим орган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши бўлиб, унинг сессияси ҳар йили аъзо мамлакатлардан бирида ўтказилади. 2015 йил май ойида Ал-Кувайт шаҳрида бўлган 42-сессияда навбатдаги сессияни Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига 1996 йилда аъзо бўлган. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик ташкилот ҳузуридаги барча тузилма доирасида изчил ривожланиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**САЙЛОВ — 2016**

## Округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренинг

*Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун республика онлайн семинар-тренинги ташкил этилди.*

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мазкур тадбирда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Онлайн семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш бўйича билим ҳамда кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиси фаоллиги, сиёсий етуклиги ва сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Сайловлар — демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, жамият ҳамда давлат бошқарувида, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шаклидир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда).

## Сиёсий партиялар сайловчилар имзоларини тўпламоқда

*Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига миллий сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, шу кунларда сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзоларини тўплаш ишларини олиб бораяпти.*

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга кўра, сиёсий партия томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари сайловчилар умумий сонининг камида 1 фоизини, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Сиёсий партиялар маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сайловнинг муҳим босқичи ҳисобланган ушбу жараён Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ҳам қонун талабларига мувофиқ тарзда ўтказилмоқда.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилганидан сўнг ЎзМТДП ташкилотларида имзо тўплаш жараёни бошлаб юборилди, — дейди партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Д. Рашидова. — Айни кунларда мазкур жараён қизғин паллага кирди. Имзо варақаларини тўлдириш тартиби ва бу борада қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар сайловчиларга тушунтирилаётир. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойларида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ҳамда имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

*Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси жорий йилнинг 22 — 26 сентябрь кунлари Озарбайжон эркин истеъмолчилар иттифоқи таклифига мувофиқ, Боку шаҳрида бўлди.*

Томонлар ўзаро ахборот алмашиш, қўшма лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, биргаликда учрашув, конференция, семинар ва симпозиумлар, мутахассис ҳамда делегацияларнинг ўзаро ташрифларини ташкил қилиш бўйича меморандум имзолади.

(Давоми 2-бетда).

# Округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренинг

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминлайдиган ва фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга бўлиб, у ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида олиб боради. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайловларнинг демократиклигини таъминлаш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ тайёргарлик кўрилаётгани билдириб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди, сайлов округлари тузилди ҳамда округ сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилди. Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда, халқаро кузатувчиларга таклифномалар юборилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга асосан, округ сайлов комиссиялари зиммасига мазкур ҳужжатнинг округ ҳудудидаги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, сайлов участкаларини тузиш, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилаш, манзилини кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилиш, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунийлик, сайлов жараёнининг очиқлиги ҳамда шаффофлиги каби тамойилларни таъминлаш каби муҳим жиҳатларга доимий эътибор бериши лозим.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлашда матбуот марказларининг вазифалари, кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

— Округ сайлов комиссиямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига фаол тайёргарлик кўрмоқда, — дейди Андижон округ сайлов комиссияси раиси О. Мирзаев. — Биз яқинда бўлиб ўтган дастлабки ташкилий мажлисимизда иш режамизни тасдиқлаб олдик. Унда комиссия аъзоларининг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Семинар-тренингда сайлов жараёнини ташкил қилишнинг барча жиҳати кўриб чиқилди, мазкур сиёсий тадбирни қонунчиликка мувофиқ ўтказиш бўйича вазифалар муҳокама қилинди. Тадбирнинг видеоконференцалоқа шаклида ўтказилгани округ сайлов комиссиялари аъзоларини қамраб олиш имконини берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш борасида округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклатилган, — дейди Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Е. Каньязов. — Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка қатъий амал қилиниши фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашининг муҳим шарти ҳисобланади. Семинар-тренингда округ сайлов комиссияларига ҳуқуқий нормалар ва уларни қўллаш, қонун ҳужжатларига киритилган сўнгги ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси фаолияти билан ҳам танишдилар.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди.*

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

# Фракцияларда янги қонун лойиҳаси муҳокама этилди

Уларда "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилди.

Йиғилишларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг барча ҳожатманд тоифасининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ҳамда асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни аниқлаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотлари ролини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимининг базавий тушунчаларини белгилашга қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Фракциялар аъзоларининг фикрича, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг комплекс тизими яратилган. Айтиб ўтилганидек, ҳар йили Давлат бюджетидан 2,45 триллион сўмдан ортиқ маблағ аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланади. Ҳозирги вақтда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Шу билан бирга, миллий қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ижтимоий хизматлар кўрсатилишини ташкил этишга тизимли ёндашиш заруратини туғдирмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси ана шу мақсадга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

— Дарҳақиқат, қонун лойиҳаси айни вақтда долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев. — Чунки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари манфаатларини қонуний мустаҳкамлаш, уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш ва бу борадаги давлат сиёсатининг аниқ йўналишларини белгилаб олишда у ягона ҳужжат ҳисобланиб, аҳолини ижтимоий таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, бизнинг сайловолди дастурий мақсадларимизга ҳам мосдир.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари аҳолининг ҳожатманд тоифаларига хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўрни, уларнинг мазкур соҳадаги ваколатларига алоҳида эътибор қаратдилар.

— Ижтимоий хизматлар кўрсатиш мониторингини олиб бориш ва баҳолаш механизмларининг қонун лойиҳасида белгиланиши муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова. — Бу ижтимоий ҳимоя тизимининг жамоатчилик назорати учун очиқ бўлишини таъминлайди, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига кўмаклашади, маҳаллалар ролини юксалтиради. Унда назарда тутилган идоралараро ҳамкорлик ҳамда ижтимоий шериклик мамлакатда ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг тўлиқ реестрини тузиш учун асос яратади.

— Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасидаги ваколатларига ҳам алоҳида эътибор берилгани партия сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, айни пайтда унинг аҳоли ижтимоий ҳожатманд тоифаларини қўллаб-қувватлашдаги фаол иштирокига ҳисса қўшади, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Абдурашид Абдуқодиров. — Ундаги нормалар аҳоли кенг қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатишни тартибга солиш баробарида, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатининг ошишига, пировардида мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади. Тадбиркорларнинг ижтимоий хизмат соҳасидаги улуши ҳамда уларнинг мазкур жараёндаги муносабатлари партия дастурида кўзда тутилган вазифаларни янада кучайтиради.

— Яна бир эътиборли жиҳати, қонун лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, уларни аниқлаш мезонлари, кўрсатилиши мумкин бўлган ижтимоий хизматлар аниқ белгиланганидир, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси фракцияси аъзоси Муҳаррам Дадаходжаева. — Бу Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли йўналтирилишини ва аниқ сарфланишини, зарур бўлганда, аҳоли тегишли гуруҳларининг эҳтиёжларига қараб, маблағлар қайта тақсимланишини таъминлайди. Лойиҳада ижтимоий хизмат шакллари, турлари киритилгани, айниқса, таълим, тиббиёт соҳасидаги хизматлар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани эътиборга молик.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари ҳам қонун лойиҳасидаги янги тушунчалар, хизмат кўрсатишнинг асосий тамойиллари, жамоатчилик назорати бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокамалар якунида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг ушбу қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш юзасидан таклифлари қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Нуфузли анжуманга пухта тайёргарлик кўрилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда ўтган, Афғонистон можаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашувини, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақидаги (1993 йил) ташаббусини қўллаб-қувватлаган.

Мустақиллик йилларида Ислом Каримов раҳнамолигида ислом динини ривожлантириш, мамлакатимиздаги азиз авлиёлар қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар, муҳим тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ташкилот вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти", "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш", "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуларидаги халқаро конференциялар ҳамда бошқа анжуманларда иштирок этган.

Ўзбекистон 2003 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ихтисослаштирилган тузилмаси — Ислом тараққиёт банкига аъзо бўлган. Ўтган даврда мазкур банк билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, қурилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилган.

Шу йил 18-19 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Анжуман Ўзбекистон томонидан таклиф этилган "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик йўли" шиори остида ўтади. Шу вақтдан бошлаб Ўзбекистон ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раисликни расман қабул қилиб олади ҳамда навбатдаги — 44-сессиягача унга раҳбарлик қилади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# Меморандум имзоланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Ж. Саримсоқов, Озарбайжон эркин истеъмолчилар иттифоқи раиси Э. Ҳусейнов ва бошқалар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича икки томонлама ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро тажриба асосида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш бугунги кун талаби эканлигини таъкидлади.

Озарбайжонлик мутахассисларга Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолияти, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги ННТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенгаш, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Аксилмонополия сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат хизмати ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари форумида учрашувлар ўтказди.

**ЎзА.**

# Тенг манфаатли ҳамкорлик ва истиқболли келишувлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тизимда қўлга киритилаётган бундай ютуқларда анъанавий равишда ўтказиб келинаётган кўргазмалар, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлаётир. Чунки уларда юртимиз ва хориж компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори унумли ҳамда тежамкор ускуналар намойиш қилинаяптики, бу ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жалб этиш, мавжуд қувватларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш имконини бермоқда.

Йигирма биринчи марта ташкил қилинган мазкур халқаро кўргазмаларнинг бирлашган экспозициясида Россия, Ҳиндистон, Хитой, Италия, Германия, Озарбайжон, Япония, Чехия сингари дунёнинг 10 дан зиёд мамлакатларидан қарийб 50 та компания ўз маҳсулотлари билан қатнашаяпти.

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ҳамда у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа соҳалар мунтазам тараққий топаётганидан хабардормиз, — дейди Италиянинг "Italia Components" компанияси савдо ва маркетинг менежери Валентина Бабина. — Шу боис биз кўргазмада аграр тармоқ учун барча турдаги техникалар, ускуна ҳамда жиҳозлар, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган олтита заводимиз маҳсулотларини намойиш этаяпмиз. Улар юртингиз фермерларига ҳар томонлама манзур бўлаяпти. Ўйлайманки, тадбир давомида кўплаб ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатамиз.



Кўргазмаларда тўртта махсус бўлим фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда қишлоқ хўжалиги техникалари, чорвачилик, паррандачилик ва ветеринария асбоб-ускуналари, минерал ўғитлар ҳамда препаратлар, хом ашёни чуқур қайта ишлаш линиялари, мева-сабзавотни қуритиш ва қадоқлаш ускуналари, қандолатчилик учун минитехнологиялар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари, чанқовбосди ичимликлар намойиш қилинмоқда. Айниқса, юртимиз ишбилармонлари томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар юқори сифати, бежирим дизайни билан барчада катта қизиқиш уйғотаяпти. Мисол учун, пойтахтимиздаги "Hassons" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган қандолатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

— Бизнес фаолиятимизни бошлаган дастлабки пайтда музқаймоқ ишлаб чиқарганмиз, — дейди ушбу корхона раҳбари Қодиржон Раҳимов. — 2009 йилдан эътиборан эса қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда 25 кишилик жамоамиз томонидан ойига 100 тонна 15 хилдаги ширинликлар ишлаб чиқарилаяпти. Унинг бир қисми қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бугунги кўргазмада иккита янги маҳсулотимизни ҳам намойиш этаяпмиз. Уларга юртимиз ишбилармонлари ҳамда хорижликлар катта қизиқиш билдиришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши кўмагида "Expo Position" компанияси томонидан уюштирилган ушбу кўргазмалар уч кун фаолият кўрсатади. Бу эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати ютуқларини кенг намойиш этиш имконини берибгина қолмай, маҳаллий ва чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши, тенг манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши учун айни муддаодир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

ТАДБИР

Жаҳон бозорида рақобат кучайган, мамлакатларнинг ўзаро маҳсулот алмашинуви даражаси юқори бўлган ҳозирги шароитда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш хизматларини замонавийлаштириш муҳим саналади.

# Халқаро меъёрларга мос хизмат

Шу боис юртимизда маҳсулотлар сифати ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бунда "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги ҳамда "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонунлар дастуриламал бўлаётир.

Пойтахтимизда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Евроосиё давлат метрологик муассасалари ҳамкорлиги ташкилоти томонидан метрология соҳасидаги долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган анжуманда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда "Ўзстандарт" агентлигининг Метрология хизматлари кўрсатиш марказида юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари ва усулларини такомиллаштириш, янгиларини яратиш, ўлчаш, назорат ҳамда синаш воситаларини стандартлаштириш, ўлчаш воситалари турини тасдиқлаш бўйича муайян чора-тадбирлар кўрилаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда эса Ўзбекистон 2004 йилда Евроосиё давлат метрологик муассасалари ҳамкорлиги ташкилотига аъзо бўлгани, ўтган вақт мобайнида етук мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илғор тажрибалар, замонавий ўлчаш воситалари ҳамда тизимлари технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилгани қўл келаётгани айтиб ўтилди.

Икки кун давом этган халқаро анжуманда Германия, Куба, Россия, Беларусь Республикаси, Озарбайжон, Словакия каби мамлакатлардан келган мутахассислар Ўзбекистондаги метрологик лабораторияларнинг ўлчаш имкониятлари билан танишиш баробарида, халқаро амалиёт тўғрисида ҳам фикр алмашишди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сиёсий партиялар сайловчилар имзоларини тўпламоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ҳам имзоларни ўз вақтида тўплаш масаласи белгиланган талабларга мос равишда самарали ташкил этилаяпти. Бунда сайловчиларга имзо варақаларини тўлдириш тартиб-таомиллари аниқ-равшан тушунтирилаётир.

— Имзо тўплаш жараёни қонунга асосан олиб борилаяпти, — дейди O'zLiDeP Самарқанд вилояти Кенгаши аппарат раҳбари И. Ботиров. — Партия марказий органлари томонидан имзо тўплаш жараёнини ҳар жиҳатдан мукаммал ўтказиш, варақалар тўғри тўлдирилиши устидан назоратни йўлга қўйиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Ушбу тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун шаҳар ҳамда туман партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Сиёсий таълим маркази кўмагида имзоларни тўплашда қатнашаётган шахслар билан машғулотлар ўтказдик. Имзо тўплаш пайтида шунга гувоҳ бўлмоқдамизки, сайлов жараёнида аҳоли кенг қатлами, хусусан, ёшларимиз юрт равнақига дахлдорлик ҳамда эртанги кунга ишонч ҳисси билан иштирок этаяпти. Бу, албатта, қувонарли.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан имзо тўплаш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда. Партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари имзо варақаларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, бунда ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилаётир.

— Сайловчилар имзоларини тўплашни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилди ҳамда партия ташкилотларининг сайловда фаол қатнашишини таъминлаш, уларнинг ишини самарали ташкиллаштириш мақсадида марказий, минтақавий ва маҳаллий сайлов штаблари тузилди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий сайлов штаби раҳбари ўринбосари Б. Юсупов. — Ҳозир партиянинг ҳудудий, туман, шаҳар ҳамда бошланғич ташкилотлари ва "Фаол аёллар" ҳамда "Истиқбол" ёшлар қанотларидан 10 минг нафар фаол аъзоси жойларда сайловчиларнинг имзосини тўплаш ишларини олиб бораяпти. Улар томонидан мамлакатимиз сайлов қонунчилиги мазмун-моҳияти, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам атрофлича тушунтирилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирок этишга киришган. Айни пайтда қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзоларини тўплаш ишлари қизғин тус олган.

— Юртимизда сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, шунингдек, халқаро демократик меъёр ва қоидаларга амал қилинган ҳолда, очиқлик ҳамда ошкоралик шароитида ташкил этилмоқда, — дейди "Адолат" СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси А. Турсунов. — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияга сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилган кунданоқ мазкур жараённи юқори савияда ўтказишга доир тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча маҳаллий ва ҳудудий ташкилотларида тузилган сайлов штаблари томонидан ушбу жараёнга партиянинг бошланғич бўғинларидан тортиб, жойлардаги депутатлик гуруҳлари вакилларигача кенг жалб қилинмоқда. Аҳамиятлиси, бу тадбирларда партия электорати ҳамда аъзолари, педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, корхоналар ходимлари фаол қатнашаяпти.

Сиёсий партиялар томонидан сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни қизғин давом этмоқда.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Европа Иттифоқида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги харидлар фаоллигини билдирувчи менежерларнинг PMI жамлама индекси сентябрь ойида 52,6 пунктгача пасайди.*

## Кўрсаткичлар пасайди



Бу охирги ярим йил ичидаги энг ёмон ҳолатдир, дейилади "Euronews" телеканали хабарида.

Бунда ҳудуддаги энг йирик давлатлардан бири — Германия хусусий секторида ишбилармонлик фаоллиги сўнгги ойларда сусайгани асосий омил бўлди.

## Акциялари нархига таъсир қилди

*Испаниянинг "CaixaBank" банки қимматли қоғозлари нархи Мадрид биржаларида 3,7 фоиз арзонлашди.*

Бу вазият молия муассасаси акцияларининг 9,9 фоизини инвесторларга сотишни режалаштираётганини эълон қилганидан сўнг вужудга келди.

Банк мазкур савдодан келиб тушадиган маблағни Португалиянинг "Banco BPI" муассасасини харид қилиш ҳамда ўз капитали етарлилик даражасини 11-12 фоиз ошириш учун йўналтирмоқчи эди. Лекин экспертлар бундай келишув истиқболига ишонишмаяпти.

## Энг катта молия марказлари

*Жаҳондаги энг йирик молия марказлари рейтинги эълон қилинди.*



Бу ҳақда "Z/Yen Group Ltd." (Буюк Британия) консалтинг маркази маълумот тарқатди. Унга кўра, дастлабки бешта ўринни Лондон, Нью-Йорк, Сингапур, Гонконг ва Токио шаҳарлари эгаллади.

## Улкан радиотелескоп

*Хитойда дунёнинг энг катта радиотелескопларидан бири ишга тушди. Гуйчжоу провинциясида фойдаланишга топширилган мазкур объектнинг диаметри 500 метрга, ундаги учбурчак қайтаргичлар сони эса қарийб 4,5 мингтага тенг.*

Ушбу қурилма ёрдамида самони янада чуқур ўрганиш, хусусан, бошқа сайёраларда ҳаёт бор-йўқлигини астрономик ҳисоб-китоб қилиш кўзда тутилган. Улкан телескоп иш бошлаши билан Ердан 1300 ёруғлик йили масофа узоқликда жойлашган космик жисмлардан пульсар сигналларини қабул қилиб олди.

## Саккиз дақиқалик парвоз

*"The Daily Mail" нашри хабарига кўра, ноябрь ойида дунёдаги энг қисқа авиарейс йўлга қўйилади.*



Мазкур лойиҳа Австриянинг "People's Viennaline" авиакомпанияси томонидан амалга оширилади. Самолётлар Швейцариянинг Санкт-Галлен-Альтенрайн аэропортидан Германиянинг Фридрихсхафен шаҳрига қатнайди. Парвоз масофаси 21 километр атрофида, манзилга етиб бориш вақти эса 8 дақиқага тенг. Рейслар сони кунига иккита.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

ЭЪЛОНЛАР


## «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Янгиариқ тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 15 августдаги 22-1503/6866-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Юксак равнақ» МЧЖга қарашли, Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоғида жойлашган, ер майдони 22000 кв. м., қурилиш ости майдони 5016,0 кв. м., фойдаланиш майдони 2830,13 кв. м. бўлган паррандачилик комплекси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 552 074 850 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Урганч тумани СИБ томонидан ЖИБ Хоразм вилояти судининг 2016 йил 25 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Урганч тумани ҳокимлигига қарашли, Урганч тумани, Чаккашоликор қишлоғида жойлашган, ер майдони 333,20 кв. м., қурилиш ости майдони 333,20 кв. м. бўлган 9 та дўкон бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 472 673 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 1 ноябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 31 октябрь куни соат 18.00.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804935791001, МФО: 00580, СТИР: 302101924.

Хизматлар лицензияланган.

**Буюртманомалар Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда қабул қилинади.**
**Телефонлар: (0-362) 228-48-46, (+99891) 999-99-56. www.xkmss.uz**

1467А/654



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Тошкент минтақавий филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 июлдаги 11-1635/8479-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимбойлиқ» ҚФЙ, Қизилсув қишлоғида жойлашган, ер майдони 0,53 гектар, қурилиш ости майдони 1583,20 кв. м., фойдаланиш майдони 1409,15 кв. м. бўлган музлаткич омборхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 621 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz**
**Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1470R/180



## «Best realtor» МЧЖ
### Тошкент минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига АТ Халқ банки Сергели тумани филиалининг 2016 йил 22 сентябрдаги 1121-сонли буюртманомасига асосан, АТ Халқ банки Сергели тумани филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қуйлиқ-5 мавзеси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 25 кв. м. бўлган, 5 қаватли бинонинг 1-қавати қисми (372-сонли касса) бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 40 860 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилиш ва закалат пули тўлашнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк 2016 йил 31 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2016 йил 15, 30 ноябрь ҳамда 15 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдоси учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 15 ноябрдаги савдо учун — 2016 йил 11 ноябрь куни соат 18.00, 2016 йил 30 ноябрдаги савдо учун — 2016 йил 28 ноябрь куни соат 18.00, 2016 йил 15 декабрдаги савдо учун — 2016 йил 13 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан АТ Халқ банки Сергели тумани филиали вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманома билан бирга, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси бўйича барча маълумотни (0-595) 144-66-55 телефони орқали олиш мумкин.

Аукцион савдоси ғолибига аукцион ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк сотилиш баҳосининг тўлов муддатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномасини тузиш вақтида белгиланади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Тел./факс: (0-595) 144-66-55.**
**www.emulk.uz Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1446А/540



## «Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ks Ind» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Эҳтиром кўчасида жойлашган, ер майдони 41055,95 кв. м., қурилиш ости майдони 9773,0 кв. м., фойдаланиш майдони 10989,83 кв. м. бўлган, 20 та асосий бинодан иборат бино-иншоотлар ичидаги ажратилмаган қуйидаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари такроран қўйилмоқда:

* металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан 2 (RBD)) 8 мм.дан 1 мм.гача;

* металл чўзадиган дастгоҳ (1 Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача;

* экструдер (EXTRUDION VA-CHINE) QLVG-650 № 0110/1500N/1 — 8 мм);

* индукцион типдаги мисни эритувчи «Upward custing» русумли печка;

* «Zwich ROeli Z020 resistomat 2316 Burster тип 2316-V0001» русумли электр ускунаси;

* «Dizel Generator ASKA model APD 550C» русумли дизель генератори.

***Бошланғич баҳоси — 7 419 342 842 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 14 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz**
**Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1458R/540



## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК 1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ХАТБ «Парвинабанк»ка тегишли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 17-уйда жойлашган, «12-шина таъмирлаш» МЧЖнинг мулкий мажмуаси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 4 374 934 000 сўм.**

**Талабгорлар диққатига!**

Мазкур мулкий мажмуа билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Sagdiana real servis» МЧЖнинг АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 196-уй.**
**Телефонлар: (0-366) 234-89-99, 239-65-88.**

Хизматлар лицензияланган.

1439R/88



## «Universal realtor» МЧЖ
### Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 17 октябрь куни соат 15.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

* Нукус шаҳри СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг 2014 йил 22 мартдаги 1-О/Х-223-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, Абдамбетов кўчасида жойлашган, умумий майдони 181,05 кв. м. бўлган автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони ва устахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 81 288 392,40 сўм.***

* Шуманай тумани СИБ томонидан ФИБ Қўнғирот тумани судининг 2016 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Феруз кўчаси, 113-уйда жойлашган, умумий майдони 592,6 кв. м. бўлган турар жой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 135 056 241 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 14 октябрь куни соат 16.00.

2016 йил 31 октябрь куни соат 15.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Шуманай тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2015 йил 8 майдаги 23-1508/3788-сонли иши бўйича хатланган, Шуманай тумани, А. Мусаев кўчасида жойлашган, умумий майдони 297 кв. м. бўлган бир қаватли ҳаммом биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь куни соат 16.00.

Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уйда ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг кўчмас мулк объекти бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204975228007, МФО: 00585, СТИР: 302269399.

Мазкур кўчмас мулклар билан иш кунлари тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй, 2-қават, 9-хона.**
**Тел./факс: (+99861) 222-11-73.**
**www.realtor.uz**
**Электрон почта: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

1474R/609



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти Ховос тумани судининг 2016 йил 11 мартдаги 1-389/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** «Гулистон» тўйхонаси биноси.
***Бошланғич баҳоси — 1 120 761 943 сўм.***

**2.** «Гулистон» тўйхонаси биноси мол-мулклари.
***Бошланғич баҳоси — 169 770 367 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь куни соат 18.00.

**II.** Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 12-1501/20733-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллада жойлашган, «Ховосдонмаҳсулотлари» АЖга тегишли, умумий майдони 600,0 кв. м.дан иборат қурилиши тугалланмаган бинолар баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 473 200 598 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 12-1403/10467-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Ховос тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, «Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги» СИУ ҳудудида жойлашган, «Нодира» фермер хўжалигига тегишли, 1 қаватли молхона ва бошқа иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 282 842 278 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 14 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (0-367) 226-38-91.**
**www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1462R/180

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*Касблар кўп, бироқ улар орасида азиз болаларимизга илк сабоқ берадиган ўқитувчиликнинг ўрни бошқача. Шу боис бу касб эгалари номини алоҳида ҳурмат, иззат-икром билан тилга оламиз. Бундай эҳтиромни кўриб, гапнинг очиғи, муаллимликни танлаганимдан ич-ичимдан хурсанд бўлиб кетаман.*

# Беғубор қалблар зиёси

Истиқлол шарофати билан таълим соҳасини ислоҳ қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бизга қанот бағишлади. Чунки мактабларимизнинг моддий-техника имкониятлари тубдан яхшиланди. Муҳташам бинолар, замонавий фан кабинетлари, лаборатория ҳамда устахоналар, минглаб китоблар ва электрон адабиётларга эга кутубхоналар ихтиёримизда. Бундай шароит касбимизга меҳримизни янада ошириб, бизни юқори натижаларга эришиш учун руҳлантиради.

Мана, йигирма йилдирки, бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаяпман. Алломалар бу паллада бериладиган сабоқни тошга ўйилган нақшга бежиз муқояса қилишмаган. Шунинг учун ҳам мазкур жабҳада ишлаётган муаллимга қўйиладиган талаб бирмунча баланд. Зиммамдаги масъулиятни сира унутмаган ҳолда, янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш, ўз устимда мунтазам ишлаш, болаларни китобга жалб этишнинг янада мақбулроқ йўлларини излаб топишга ҳаракат қиламан. Бу — давр тақозоси. Боиси, бугун мактаб партасига қадам қўйган болакай ўн-ўн беш йил аввалги тенгдошларидан фарқланади. Демак, биз ҳам онги мактабга қадар ахборот билан бойиган авлодга мос бўлишимиз керак. Ҳозирги пайтда болаларни машғулотларга фаол жалб этишнинг самарали воситаси бўлган ахборот технологиялари, унинг ёрдамида ташкил этилаётган кластер, синквейн, ақлий ҳужум, инсерт усулларидаги сабоқлар болаларга мавзуни содда қилиб тушунтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг июль ойида пойтахтимизда "Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзуида бошланғич синф ўқитувчиларининг форуми ўтказилди. Унда иштирок этиб, бир қатор олимларнинг маърузаларини тингладик, пойтахт мактабларида ташкил қилинган "Маҳорат дарслари"да ҳамкасбларимизнинг илғор тажрибасидан баҳраманд бўлдик. Анжуман давомида ёндафтарим таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, чет тилларни ўқитишнинг инновацион технологиялари, касбий маҳоратни ошириш борасидаги бир қатор янгилик ҳамда фойдали фикрлар билан тўлди.

Форумнинг сўнгги кунида ялпи йиғилиш ўтказилиб, фаол иштирокчилар Халқ таълими вазирлигининг махсус мукофотлари билан тақдирланди. Ўн икки нафар муаллимга эса "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони топширилди. Залга тўпланган юзлаб ҳамкасбларим орасида мен ҳам ушбу нишонга лойиқ кўрилганимни ҳамон ҳаяжон билан эслайман.

Бу йил навбатдаги биринчи синф ўқувчиларини қабул қилиб олдим. Уларнинг кўзларида билимга чанқоқлик, юрагидаги шижоатни кўриб, яйраб кетаман. Шиддатли замонга мос бўлиб ўсаётган бундай ўғил-қизлар билан ишлаш жуда мароқли. Масъулияти ҳам шунга яраша. Ишонч билан айтиш мумкинки, бугун биз таълим-тарбия бераётган ёшлардан янада юксак салоҳиятли инсонлар етишиб чиқади.

**Манзура КАРИМОВА,**
**Тўрақўрғон туманидаги 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

# Энг замонавий тиббий технологиялар

пойтахтимизда иш бошлаган "UzMedExpo — 2016" тўққизинчи халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмасида намойиш этилмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"UzMedExpo — 2016" тиббиёт кўргазмасида Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Германия, Швейцария, Ҳиндистон, Польша сингари давлатлардан ўнлаб корхона ҳамда фирмалар иштирок этмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир орқали ишлаб чиқарувчилар бозорнинг бугунги талабини, мижозларнинг таклиф ва эҳтиёжларини ўрганаяпти.

— Павильондаги энг катта стенд бизнинг жамоага ажратилгани бежиз эмас, — дейди Хитойнинг "Premium Technics" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мэн Юн Фан. — Гап шундаки, мамлакатингизда кўп йиллардан бери фаолият юритиб келамиз. Бу ерда хорижий давлатларнинг етакчи тиббиёт компания ҳамда фирмалари учун ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш қилиш, музокаралар ўтказиш ҳамда шартномалар имзолаш учун барча шарт-шароит яратилганидан мамнунмиз. Корхонамиз компьютер томографияси, рақамли рентген, ультратовуш текширув аппарати ва яна кўплаб техника қурилмаларини ишлаб чиқаради. Ўзбекистондаги тиббиёт муассасаларида бизнинг маҳсулотлардан кенг фойдаланилаётгани жамоамизга алоҳида масъулият юклайди.

Ушбу кўргазма фармацевтика корхоналари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, мутахассисларни тиббиёт соҳасидаги янгиликлардан хабардор этиш ҳамда соғлиқни сақлаш йўналишидаги ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган улкан ютуқларни кенг намойиш қилиш имконини бераётир.

Тадбир 30 сентябрь куни ниҳоясига етади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## СПОРТ

Самарқандда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё очиқ кубоги ҳамда паракано бўйича Осиё чемпионати бошланди.

# Самарқанд — йирик мусобақалар мезбони

Самарқанд эшкак эшиш каналида ўтказилаётган мусобақаларнинг очилиш маросимида Осиё каноэ федерацияси президенти Шокин Нарита ва бошқалар мамлакатимизда спортни оммалаштириш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва кейинги йилларда эришилаётган натижалар тўғрисида фикр юритди. Айниқса, XXXI ёзги Олимпия ҳамда XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари эришган ютуқлар юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш керакки, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Самарқанддаги эшкак эшиш канали 2009 — 2012 йилларда тўлиқ реконструкция қилинди. Амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан сўнг ушбу иншоотда халқаро даражадаги беллашувларни ҳам ўтказиш имконияти юзага келди. Айни пайтда мазкур мажмуада 100 ўринли меҳмонхона, 64 ўринли ошхона, шунингдек, мажлислар зали, ҳакамлар хонаси ҳамда бошқа ёрдамчи хоналар мавжуд. Қирғоқда эса 2 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилган. Старт ва финиш чизиқлари замонавий электрон тизим билан таъминланиб, халқаро талаблар даражасига келтирилди.

— Яратилган бундай шароит натижасида юртимиз спортчилари байдарка ҳамда каноэда эшкак эшиш бўйича халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда, — дейди Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шуҳрат Рўзиев. — Қитъамизнинг 14 давлатидан 200 дан зиёд спортчилар иштирок этаётган мазкур беллашувларда ҳам вакилларимиз совринли ўринларни қўлга киритади, деган умиддамиз.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев сўзга чиқди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**Qishloq Qurilish Bank**

**юртдошларимизга қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади.**

*Миллий валютада:*

**«Юқори даромад»**

***Омонатга маблағлар 8 ой муддатга қабул қилинади.***

*Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади ва омонат муддати тугагач тўлаб берилади.*

**«Омад»**

***Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.***

*Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.*

**«Мустақил юртим»**

***Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.***

*Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.*

***Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93. www.qqb.uz**

***«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Хизматлар лицензияланган.

1475R/35

**«KIM OSHDI SAVDO SERVIS» МЧЖ**
**Тошкент шаҳар филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Қибрай тумани судининг 2015 йил 9 июндаги ажрими асосида берилган ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** 2009 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, давлат рақами 01 Y 584 BA бўлган, техник носоз ҳолатдаги «Matiz best» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 24 700 000 сўм.***

**2.** 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 290 GA бўлган, оқ рангли, техник носоз ҳолатдаги «Nexia» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 23 500 000 сўм.***

Автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хўжалик ишлари бошқармасида сақланмоқда.

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 19 июндаги 1-399/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 U 379 HA бўлган, кулранг тусли (мокрый асфальт), техник носоз ҳолатдаги «Daewoo Racer» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 237 570 сўм.***

Автотранспорт воситаси Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Бутан» МЧЖга қарашли жарима майдончасида сақланмоқда.

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Яшнобод тумани судининг 2014 йил 10 октябрдаги 1-608/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 589 FA бўлган, оқ рангли (белая касабланка), техник носоз ҳолатдаги «Matiz best» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 20 695 897 сўм.***

Автотранспорт воситаси «Шарқли мелиса» МЧЖга қарашли жарима майдончасида сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 1 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 31 октябрь куни соат 18.00 .

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

Гувоҳнома № 5477.

**Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99897) 790-95-95. www.koss.uz**

1461A/653

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
***Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали***

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан ЖИБ Кегейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Қизил уй» ОФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган, колбаса ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 2 қаватли цех биноси ва ундаги колбаса тайёрлашга мўлжалланган жиҳозлар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 485 262 686 сўм 36 тийин.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 13 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

1472R/180

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6